



## Ислом Нури

Ўқувчиларимизга қўлимиздан келганича қўлимиздан келганича

қўлимиздан келганича қўлимиздан келганича қўлимиздан келганича:

Бугунги кунимизда мўмин биродарларимиз иймонларининг кучсиз бўлиб қолаётгани ва қалбларини кўркмас қалбга айланиб кетаётганидан шикоят қилмоқда. Гуноҳларга дуч келиб қолганда жаҳаннамдан кўрқитиш сифати мўмин биродарларимизни гуноҳдан асраб қолиши умидида бу рисола ни ёзмамиз. Бизга ҳам, мўмин биродарларимизга ҳам жаҳаннамдаги азобни эслаб гуноҳни тарк этиш тавфиқини Аллоҳ таоло насиб этсин!

Аллоҳ таоло Ар-Раҳмон сурасининг 46 - оятида бундай марҳамат қилади:

{ 46 : ۞۞۞۞۞۞ ۞۞۞۞ { ۞۞۞۞۞۞ ۞۞۞ ۞۞۞۞ ۞۞۞ ۞۞۞ ۞

Маъноси: “Роббисининг олдида туришдан кўрқиб гуноҳларни тарк этган, тоатлар қилган киши учун икки жаннат бор”. Мазкур оят маъносини Мужоҳид роҳимахуллоҳ бундай баён қилади: ҳар бир одамнинг қилган иши тепасида Аллоҳ қоимдир. Кимки, бир нарсани қилмоқчи бўлганида Роббисининг олдида туришидан кўрқса, унга икки жаннат бор. Яна бу кишидан бўлган бошқа ривоятда айтадиларки: Инсон гуноҳ қилмоқчи бўлиб турганида Аллоҳ олдида туришини эслаб гуноҳни тарк этади. Оят шу каби мусулмонлар тўғрисида.

Абдуллоҳ бин Аббос розияллоҳу анҳу айтадилар: Аллоҳ олдида туришдан кўрқиб, Ул зотнинг фарз қилган амалларини адо этган мўминларга Аллоҳ жаннатни ваъда қилди.





## Ислоm Нури

Маъноси: “Дўзах аҳлининг энг енгил азобланадиганида оловдан бўлган икки оёқ кийим ва унинг иплари бўлади. У оёқ кийимлардан қозоннинг қайнаши каби унинг мияси қайнаб туради. У ўзидан-да қаттиқроқ азобланаётган бирор кимса бўлмаса керак, деб ўйлайди. Ҳолбуки, у дўзах аҳлининг энг енгил азоб тортаётганидир”.

Ҳасанул-Басрий айтадики:

» «[transliterated text]»

“Эй Роббим, мени ким учун яратдинг, деди жаннат. Мендан кўрқиб менга ибодат қиладиган бандаларимга, деди Аллоҳ”.

Абу Сулаймон Ад-Дороний роҳимаҳуллоҳ бундай дейди: Дунё ва охиратдаги барча яхшилик асли Аллоҳ азза ва жалладан кўрқишдадир. Аллоҳдан кўрқиши бўлмаган ҳар бир қалб ҳароба қалбдир.

### Фойдаланилган китоблар:

1. Аҳмад бин Ражаб Ал-Ҳанбалийнинг (795 - ҳижрий санада в.э.) «[transliterated text]» китоби.
2. Муслим бин Ал-Ҳажжожнинг (261 - ҳижрий санада в.э.) «[transliterated text]» китоби.
3. Абдурраҳмон бин-Носир Ас-Саъдий (1376 чи ҳижрий санада в.э.) тафсири.